

ТАЪЗИЯ



15:29 / 20.08.2022 1209

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда islom.uz портали ижодий жамоаси нашриётимизда узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келаётган, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг кўплаб китобларига муҳаррирлик қилган фидойи инсон «Hilol-nashr» матбаа-нашриёти муҳаррири Озод Мунавварга ҳамда muslima.uz сайти бош муҳаррири Барно Саидрахмонга волидаи муҳтарамалари Марҳамат аянинг вафоти муносабати билан марҳуманинг барча оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳуманинг жамики солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Аллоҳ таоло марҳуманинг фарзанду аржумандлари ва яқинларига чиройли сабр бериб, бу мусибатларини яхшиликлар ила тўлдирсин.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деган сабрлиларга хушхабар беринг.